Сени шубҳага солган нарсани қўйгин-да, шубҳалантирмайдиган нарсани ол

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг набиралари ва райҳонлари - Абу Муҳаммад Ҳасан ибн Али ибн Абу Толиб разияллоҳу анҳумодан ривоят : «Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан мана бу сўзларни ёдлаб қолганман: «Сени шубҳага солган нарсани қўйгин-да, шубҳалантирмайдиган нарсани ол».
[Саҳиҳ] [Термизий ва Насоий ривояти]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳалол ёки ҳаромлиги аниқ бўлмаган, шак-шубҳали сўз ва амалларни тарк қилиб, ҳалол ва яхши экани аниқ бўлган ишларни қилишга буюрдилар.

http://sunnah.global/hadeeth/uz/show/66519